

---

## Янги йил арафасида 9 нафар Данғаралик болалар Президент совғаси: УЙ-ЖОЙГА ЭГА БЎЛИШДИ

Янги йил байрами арафасида Данғара туманида истиқомат қилувчи, ота-она меҳридан эрта айрилган 9 нафар болалар Президентимизнинг чин маънода оталарча ғамхўрлигини хис этишиб, Президент совғаси сифатида бепул уй-жойларни қабул қилиб олишди.

Юртбошимиз томонидан аҳолининг ижтимоий кўмакка мухтож қатламини қўллаб-қувватлаш йўналишидаги сиёсатининг ушбу намунаси - бу ёшлар қалбига бир умрга унутилмас қувонч туйғуларини муҳрлади. Уй-жойлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан харид қилиниб, Данғара тумани ҳокимлиги, Данғара тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида ёшларга тантанали равишда топширилди.

---

2024-12-30 15:35:53